

# ИЛЛЮСТРАТИВ МАТЕРИАЛЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА PIRLS ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТИЗИМИГА ОИД ЎҚИШ МАЛАКАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛЛАРИ

**Темирова Мехриноз Ботиралиевна,**  
Тошкент шаҳар Сергели тумани  
Мактабгача таълим бўлими мудири

## АННОТАЦИЯ

Тадқиқотимизда биз иллюстратив матнларни ўқиш кўникмасини бир неча усулларда таҳлил қилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг матн устида ишлаш, маълумотларни умумлаштириш ва хулоса чиқариш каби қобилиятларини мисолларда кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

**Калит сўзлар:** PIRLS, таҳлил, тасаввур, иллюстрация, қобилият.

## **Factors for strengthening students' reading skills related to the international assessment system PIRLS through illustrative materials**

**Temirova Mexrinoz Botiralievna,**  
Sergeli district of Tashkent city  
Head of Preschool Education Department

## ANNOTATION

In our study, we analyzed the ability to read illustrative texts in several ways and tried to demonstrate in examples the abilities of primary school students to work on text, summarize data, and draw conclusions.

**Key words:** PIRLS, analysis, imagination, illustration, ability.

PIRLS (**P**ogress in **I**nternational **R**eadng and **L**iteracy **S**tudy) – халқаро баҳолаш тизими бошланғич 4 синф битирувчиларининг ўқиш саводхонлиги даражасини ўрганади.

Тадқиқот жараёнида ёзувда акс эттирилган турли шаклдаги матнларни англаш ва таҳлил қилиш қобилиятини аниқлайди. Ўқиш саводхонлигининг халқаро концепцияси ўқиш жараёнида икки хил мақсадни аниқлайди: яъни маълумотга эга бўлиш учун ўқиш ёки вақтни мазмунли ўтказиш учун ўқишдир. Шунга биноан PIRLS илмий ва бадиий матнларни ўқиб тушуниш даражасини ўрганади. Ахборотга эга матнлар ва бадиий иллюстратив матнларни ўқиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш маҳорати тўрт хил йўналишда баҳоланади: берилган матнда маълумот топиш, матн борасидаги хулосаларни шакллантириш, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, ҳамда матнни баҳолашдир.

Бошланғич синфларда матнлар устида ишлашнинг замонавий методикаси юқорида кўрсатилган тўрт йўналишни бир хилда ривожлантиришга қаратилган. Ўқувчида берилган матнни онгли равишда тушуниш кўникмаси ривожланганда унинг ўқишга бўлган қизиқиши

орттиши мумкин. Бошланғич синфларда ўқиш сифатини оширишда иллюстратив материаллар алоҳида ўрин тутади, сабаби ўқувчи матнда баён қилинган воқеа – ҳодисани тўлақонли англаши, ҳаёлида воқеалар ривожини, кетма кетлигини тасаввур қилиши мумкин. Шу билан бирга ақл заковати, тасаввур оламини бойитади.

Матнни ўқиш жараёнида ўқувчиларнинг эҳтиёжи ҳам аҳамиятлидир. Ўқувчининг саводхонлигини оширган сари унинг мақсадлари ҳам ўзгара бошлайди. Олдин шунчаки матнни ўқиган бўлса, энди бу эҳтиёж янада мураккаблашади, яъни қаҳрамоннинг ҳатти – ҳаракатларини англаб тушуниш, унинг мақсадларини аниқлаш ва ҳаттоки кейинги ҳаракатларини тахмин қилиш каби жараёнлар юзага келади. Ўқувчининг ёшини инобатга олган ҳолда иллюстратив матнлардан фойдаланиш ўқувчи тасаввурини бойитиш, расмлар орқали матн мазмун – моҳиятини тез англаб олиш каби қобилиятларини янада яхшилашга, унинг қизиқиши орттиришга эришиш мумкин.

Ўқиш бевосита оғзаки нутқ билан боғлиқ бўлиб, ифодали ўқиш кўникмасини шакллантиришга, ўқувчилар орасида матндаги маълумотларни ўзаро муҳокама қилиш, таҳлил қилиш орқали мулоқотга киришга ёрдам беради. Бошланғич синфларда мантикий фикрлаш катталардагидек ривожланмаган шунинг учун улар кўпроқ визуал тасаввурни ишга солишади. Матнда учрайдиган нарса- буюм, ҳайвонлар ёки предметлар ҳақида визуал тушунчага эга бўлиб, сўнгра мунтазам шулар ҳақида фикр юритиш орқали ўқувчиларларда мантикий фикрлаш шакллана бошлайди.

Ўқиш кўникмасини ривожлантиришда тўрт сифатни кўздан қочирмаслик керак: тўғри ва хатосиз ўқиш, равон ўқиш, англаб ўқиш ва ифодали ўқишдир.

Тўғри ўқиш деганда сўз маъноларини бузмасдан, адабий нормаларга риоя қилиб ўқишдир; равон ўқишда – матнни ўқиш тезлиги тушунилади, одатда бир дақиқада нечта сўз ўқилиши назарда тутилади; англаб тушуниш – бу тингловчига матннинг асосий мазмунини етказиб бериш ва ўз муносабатини билдиришдир; ифодали ўқиш – пауза ва интонациялар билан тиниш белгиларга риоя қилган ҳолда ўқишдир. Ўқувчиларда асар қаҳрамонларини эмоционал ҳолатларини намоён қила олиш қобилияти, муайян бир ҳис туйғуни ифодалай олиш, масалан хафа бўлиш, хурсанд бўлиш каби ҳолатларни ифодалашда кўرғазмали қуроллар, расмлар жуда катта ёрдам беради. Эرتак қаҳрамонларининг ҳолати, ҳатти – ҳаракатларини ўхшатиш, топишмоқларни чаққонлик билан топишлари ёки ҳикояларни ўқиганларида бўлган воқеадан таъсирланишлари ҳам ўқувчиларнинг эмоционал ҳолптига боғлиқдир.

Яна бир қизиқарли топшириқлардан бири бу расмларда ифодаланган жараёнларни номлаш, шу жараёнлар кетма-кетлигида қисқа ҳикоялар тузишда визуал ёндашиш ўқувчига ҳам қизиқарли, ҳам фойдали машғулот ҳисобланади. Бу метод ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқиши, яратувчанлик ёки ижодкорлик қобилиятини оширишга хизмат қилади. Ўқиш кўникмасини ривожлантиришда яна бир омил муҳим ўрин тутади. Ўқувчига материал

танлашда унинг физиологик ёши, тушуниш имконияти чегаралари, ақлий салоҳиятини назарда тутиш керак. Агар ўқиш учун материал тўғри танланган бўлса, ўқувчи уни зўр қизиқиш билан ўқийди ва ўзи учун зарур маълумотлар олади, ёки ижобий қониқиш ҳосил қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш кўникмаларини шакллантиришда куйидаги вазифалар амалга оширилади: овоз чиқариб ёки овоз чиқармасдан ифодалади ўқишни шакллантириш; онгли равишда тушуниш; китобхоннинг дунёқарашини кенгайтириш ва ўқишга бўлган қизиқишини уйғотиш; оғзаки ва нутқ малакасини ривожлантириш; бадиий матнларни ўзининг билим даражаси доирасида таҳлил қилишдир.

Кўпгина олимлар адабиёт дарсларида ўқиш кўникмаларини мукаммалаштириш устида изланишлар олиб боришяпти. Ёш китобхонларнинг китобга, ўқишга булган меҳрини ошириш асосий вазифа демакдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Sylvie LaRoche, Mark Joncas. Sample Design in PIRLS, 2016
2. Enemy Pie. Reading for literary experience. Sample PIRLS Passages, Questions, and Scoring Guides, 2016.